

OZBEKISTON

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI

OVOZI

2001 YIL 15 DEKABR ♦ SHANBA ♦ № 149 (26.851)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14 декабрь куни Оқсаройда АҚШнинг «АББ Луммус Глобал» компанияси раҳбари Стефан Соломонни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат «АББ Луммус Глобал» президенти, балки етук мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади. Мазкур компания нефт-газ, нефт кимёси, саноат, ахборот, электр тизимлари, муқобил энергия ишлаб чиқаришга оид технологиялар билан шуғулланади. У сўнгги бир неча йил ичида дунёнинг турли мамла-

катларида икки мингга яқин лойиҳани амалга оширган. «АББ Луммус Глобал» ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Шўртан газ-кимё мажмуининг қурилиши билан боғлиқ ишлар борасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Компания 1995 йилнинг октябрида бу лойиҳани техникавий-иқтисодий асослаган. Шундан кейин 1997 йил ноябрда ташқи инфратузилма лойиҳаси билан таништирди ва уни ижро этишда кўрсатган

зона қурилишлари бошланди. Жорий йилнинг 31 октябрида барча ишлар тугаланиб, корхона тахт ҳолга келтирилди. Маълумотларга кўра, у йилга 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суялтирилган газ ва 126 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга. Оқсаройдаги учрашувда «АББ Луммус Глобал» президенти мамлакатимиз раҳбарини лойиҳа яқунлари билан таништирди ва уни ижро этишда кўрсатган

шахсий ёрдами учун Ислон Каримовга миннатдорлик билдирди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан «АББ Луммус Глобал» компанияси ўртасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари оид масалалар муҳокама қилинди. ■ (ЎзА) Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат

БРИТАНИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКISTON ТАҚДИМОТИ

Британиядаги Лафборо университетида Ўзбекистон тақдимоти бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси кўмағида «Умид» жамғармаси талабалари ташкил эттиди. Мамлакатимиз Конституцияси кўнига бағишланган ушбу тақдимотда Чарвуд округи раҳбарияти, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, илмий доиралар вакиллари, хорижий талабалар иштирок этдилар. Лафборо университети Буюк Британиядаги етакчи олий ўқув юртидан бири саналади. Лафборо мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради — мазкур олий ўқув юртида таълим олаётган ўзбек талабалари сони тобора кўнаиб бораётгани бунинг исботидир. Университет проектори, профессор Харри Томсон ушбу тақдимот маросими ўзбек халқининг тарихи, маданияти, анъаналари ва бугунги кўни билан яқиндан таништиришга ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги самарали мулоқотларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди. Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчиси А.Файзуллаев тўланганлар диққат-эътиборини мамлакатларимиз ўртасида тобора кенгайиб бораётган алоқаларга, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб бораётган саъй-ҳаракатларига қаратди. Талабаларимиз тадбир шитроқчилиги тақдимотдан маданий дастур, ҳусусан, миллий ўйинлар, яқка кураш, ашуда ва рақслар намойишини ўзини олдан театрлаштирилган томошалар алоҳида қизиқиш уйотди. ■ Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА

АЛОҚАЛАР УЗИЛМАЙДИ

БМТ бош қотиби Кофи Аннан Яқин Шарқдаги вазият борасида ташвиш билдирган. Бош қотиб Ёсир Арофатга мурожаат қилиб, рўй бераётган терактлар айбдорларига нисбатан кескин чоралар кўриш лозимлигини айтган. Маълумки, Исроил навбатдаги терактлардан сўнг Фаластин маъмуриятини мутлақо тан олмаслигини айтиди ва ҳарбий ҳаракатларни зўрайтирди. Хусусан, ҳаволан Фаластин шаҳарларини бомбардмон қилиши давом этмоқда. Бироқ, АҚШ ва Европанинг бир қатор мамлакатлари Исроилнинг бу қароридан қатъи назар Ёсир Арофат маъмурияти билан расмий алоқаларини узмасликларини айтишган. Европа Иттифоқининг ташқи ишлар бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солана бу борада: «Ёсир Арофат қонуний тарзда дунё жамоатчилигига фаластин халқининг расмий етакчиси эканлигини кўрсатиб келмоқда, шу сабабли биз у билан ишлашда давом этамиз» деб таъкидлаб ўтди.



ЖАНГАРИЛАР ВАТЕНИГА ҚАЙТИ

Жазоирда чиқадиган L'Expression газетасининг ёзишчи, мамлакатта Афғонистондаги жангларда иштирок этган «Ал-Қаида» гуруҳида аъзо икки мингга яқин жангарилар қайтиб келган. Газетанинг таъкидлашча, Усама бин Лодиннинг жангарилари АҚШ толибларга қарши ҳарбий ҳаракат бошлаганининг илк кунлариёқ мамлакатга қайтишган. Ҳозирда қайтган жангариларнинг кўплари уй-ўйларига тарқаб кетган. Афғонистондан қайтган жангариларнинг исм-шарифлари Жазоир полицияси ва махсус хизмат ходимларига аён, деб ёзади газета, бироқ ҳозирча уларга қарши ҳеч қанақа чора қўрилмаган. Жазоир расмий идоралари эса ҳозирча бу маълумотни изоҳлашгача йўқ.

ЯНГИ ҲАРАКАТЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Iberia ва American Airlines авиакомпаниялари ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида шартнома тузишган. Бу шартномага кўра, Испания ва АҚШ ўртасида янги ҳаво йўллари бўйлаб ҳаракат амалга оширилади. Битим 19 декабрдан бошлаб амалга кириди. Йўловчилар Испаниядан АҚШнинг Сент-Луис, Нью-Йорк, Вашингтон, Чикаго шаҳарларига училари мумкин. Ҳозирча бу компаниялар ўзаро ҳамкорликда 23 йўналиш бўйлаб ҳаракатларни йўлга қўйишганди.

СИЁСИЙ ҲАЁТ МУАММОЛАРИ

2001 йилнинг 14 декабрь кўни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Сийсий элита ва сийсий етакчилик» мавзусида машғулот бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуринда Давлат ва жамият қурилиши академиясида тахсил олаётган тингловчилар иштирок этдилар. Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда сийсий партияларнинг ўрни, уларнинг парламентчилик фаолияти, фуқаролар сийсий фаолигини оширишдаги аҳамияти каби масалалар мулоқотда катта ўрин эгаллади. Сийсий фаоллик, жамиятдаги етакчилик муаммолари ҳам мунозара қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Сийсий етакчилигини амалга оширишда сийсий партиялар ва хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаолияти тўғрисидаги кўпгина амалий тавсиялар, таклифлар ўртага ташланди. ■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЯҚУНЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ шу йил 15 ноярдан мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиб, шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар амалга оширилди. Пойтахтнинг «Паркент» бозорига ўтказилган шундай текширувлар чоғида хусусий тадбиркор Р.Алимовдан стандарт талабларига жавоб бермайдиган 18000 донна пиротехника воситаси мусодара қилиниб, уч ярим минг сўм жарима ундирилди. — Айни вақтда махсус тарғибот гуруҳи туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактаблар, маҳаллаларда фуқаролар осойишталигига пуртар етказиб, асабларга тегадиган бундай «йинчоқлар» инсон соғлигига катта хавф солиши кенг тушунирилди, — дейди Тошкент шаҳар Хамза туман 8-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бошлиғи ўринбосари Т.Рисиев. — Шу билан бирга тегишли идоралар ходимлари иштирокида электр жиҳозлари, газдан мавжуд талабга риоя қилган ҳолда фойдаланиш борасида сўхбатлар ҳам ташкил этилди. ■ (Ўз мухбиримиз)

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Зилга етказиб жараёни БМТ томонидан мувофиқлаштириб берилмоқда. Имзоланган ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон томони жараёни янада тезлаштириш, жумладан, олиб ўтиладиган юкларни бож тўловларидан озод этиш ва ишининг бошқа ҳуқуқий жиҳатларини энгиллатиш учун барча зарур чораларни кўради. Шунингдек, бошқа ҳукумат ва ноҳукумат ташиқотларини ҳам ушбу хайрли миссияда иштирок этишга жалб қилади. Ричард Конрой ушбу протоколга самарали мулоқотлар натижасида эришилганини таъкидлаб, ҳужжат Ўзбекистон томонидан қисқа фурсатда, тезкор ва амалий рўхда тайёрланганини алоҳида таъкидлади. Фурсатдан фойдаланиб,

Афғонистонга инсонпарварлик юкларини ўз вақтида етказиб бериш ва минтақада тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш борасида БМТ билан самарали ҳамкорлик қилаётгани учун Ўзбекистон ҳукумати, Президент Ислон Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон факултетида вазири Равшан Ҳайдаров журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилаётган юкларни Ўзбекистон ҳудудидан манзилига етказиш ноёбр ойдан бошланганини, дастлаб Амударёдаги баржалардан фойдаланилган бўлса, ҳозир Хайратон кўприги ҳам очилгани ва эндиликда темир йўл ва автомобиль йўлидан

фойдаланиш имкони туғилганини таъкидлади. Бу табиийки юкларни тез ва катта миқдорда етказиб бериш учун қулайлик туғдирмоқда. — Ҳозир Термиз аэропортига кўнига уч-тўртта юк ташувчи самолёт кўнмоқда ва келтирилган юклар Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига пешма-пеш етказиб берилмоқда, — деди вазири. — Келаётган юк асосан озиқ-овқат, иссиқ кийим, кўрпак-тўшак ва биринчи галда зарур бўладиган бошқа буюмлардан иборат. Ўзбекистон Факултетида вазири вазирилик юкларни мумкин қадар тез етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга солимоқда. ■ (ЎзА)

АФИНАДА МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАЙДИ

Мустақиллик йиллари юртимизда спортга бўлган муносабат алоҳида аҳамият касб этди. Спортнинг кураш, бокс, теннис каби турлари янги ривожланди. Хусусан, эркин ва юнон-рум курашчилари қўлга киритаётган натижалар ҳам таҳсинга лойик. Халқаро мусобакалар ўтказилмоқда. Улар орасида «Мустақиллик кубоги» ҳамда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатини халқаро мутахассислар муносиб баҳолашди. Нуфузли ФИЛА ташкилоти Юртбошимизни ўзининг олий мукофоти — «Олтин маржон» билан тақдирлади. Грециянинг Патри шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Дилшод Ориповнинг ғалаба билан қайтиши ҳам бир воқеа. Қизиғи шундаки, бундай ютуққа 30 йил аввал Рустам Казаков эришган эди. Бундай эътирофлар Олимпиада шон-шухрати музейида ўтказилган йиғилишда тилга олинди. Ўзбекис-

тон спорт курашлари ассоциациясининг ҳисобот-сايлови бўлди. ФИЛА низомига кўра, мазкур ташкилотнинг ижрокўм аъзоси бўлган киши бошқа лавозимда фаолият кўрсатмаслиги лозим. Шунинг учун республика кураш ассоциациясини бошқариб турган А. Рўзиев ўрнига С.Абдувалиев сайланди. Эркин кураш федерациясининг президенти этиб Х. Назиров тайинланди. Шундай қилиб А.Рўзиев ФИЛА аъзоси, айни пайтда ассоциациянинг фахрий президенти сифатида юртимизда курашни янада ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракат қилаётган бўлди. Курашчиларимиз Афғонистонда бўлажак Олимпиада ўйинларида мадҳиямиз таралади, деб ният қилишди. Шунингдек, йиғинда жаҳон чемпиони Дилшод Ориповга муқофот тарикасида 10 минг АҚШ доллари берилиши айтилди. ■ Ўз мухбиримиз

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«МАЪРИФАТХОНА ЭМИШ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 16 октябр сонидан чоп этилган «Маърифатхона эмиш» сарлавҳали танқидий мақола вилоят «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият йиғилишида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Жамиятнинг Шўрчи туман бўлимида юзага келган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мавжуд камчиликларга йўл қўйганлиги учун Шўрчи туман «Матбуот тарқатувчи» жамияти раҳбари Б.Аллаёрова қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

■ Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари К. МАДАРТОВ

ЛУКМА ГАЗЕТА ВАҚТИДА КЕЛАРМИКАН?

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорига газета-журналларни жойларга ўз вақтида етиб бориши зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Лекин қарорнинг бажарилиши амалиётда ўз аксини топмаётир. Ваҳоланки, ахбороту янгиликларга, мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатларига муштоқ халқимиз газеталарни интиқиб кутади-ку.


Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари К.Тулебоевнинг «Қорақалпоқ почтаси» бошлиғи И.Маткаримовга 2001 йил 5 декабрдаги 08-15/2651 рақамли расмий хатига самолётларнинг Тошкентдан Нукусга кечки соат 17.00 да жўнаши маълум қилинган. Демак, газеталарнинг ҳар бир сонини газетхон бир кун кечкиб, эртасига қўлга олади. Бунда қандай мантқ бор?!

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



АҚШ БИТИМДАН ЧИҚДИ

АҚШнинг 1972 йил собиқ иттифок билан ракетадан мудофаа тизимини чеклаш тўғрисида тузилган битимдан чиқиши Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар боис бироз долзарблигини йўқотгандек кўринганди. Яқинда АҚШ Президенти Жорж Буш расмий равишда Американинг ушбу 1972 йилги битимдан чиқишини эълон қилди. Ва дарҳол бу ариза дунё жамоатчилигининг эътиборини тортиди. АҚШ маъмурияти буни аввало битим собиқ иттифок билан имзолагани, шунингдек, бугунги кунда тинчликни сақлаш эҳтиёжларига жавоб бера олмагани билан изоҳлайди. Бу аризага асосан ядровий қуролга эга мамлакатлар ўз муносабатларини билдиришмоқда. АҚШнинг ушбу қарори МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Қозоғистон ва Беларуссияга расман билдирилган.



Россия президентининг бу борадаги баёнотида АҚШнинг ушбу ҳаракати ҳаттолик сифатида баҳоланган. Шунингдек, Россия президенти Буш баёнотидан сўнг дарҳол Хитой раҳбари Цзян Цзямин ва Хиндистон бош вазири Бижай Ваджай билан телефон орқали мuloқот ўтказган. Маълумки, АҚШ ушбу битимдан чиқиш мобайнида дунёнинг кўпгина етакчи мамлакатлари билан музокаралар ўтказган ва бу ҳаракатнинг моҳияти, мақсадини аёнлаштириб бериш ҳаракат қилганди. Россия эса айнан ушбу битимда қилиш зарурлигини ўқитиб келатган ва бу борада имкон қадар ўзини иттифоқдошлар излаётганди. Маълумки Россия ва АҚШ президентларининг Америкада бўлиб ўтган учрашувида ядро ракеталари соҳини маълум миқдорда қисқартириш битимига ҳам келишилган. Ва бу борада АҚШ 2200 тага яқин ядро зардаларини йўқотишга тайёрлигини билдирган, Россия 1500 ядро аслаҳасини йўқотиш билан чекланган эди. Путиннинг баёнотида ушбу келишув ўз кўичида қилиш айтиб ўтилган.



АҚШ ракеталарга қарши янги ҳимоя қобилигини яратиш ва 1972 йилги битимни тарқ эйтиш асло қуролланмиш учун туртки бўлмастлигини таъкидлаб ўтади. Хуллас, АҚШ Жорж Буш таъкидлаганидек, ўз ҳавфизлигини таъминлаш учун эркин ва мукамал тизимга эга бўлиши лозим эди. Ва шу сабабли бу ташаббус амалга оширилди. У ҳеч қайси мамлакатнинг ҳавфсизлик тизимига таъсир ўтказиш учун амалга оширилмаган. Агар ракеталарга қарши мудофаа қобилигини яратиш режаси қандай амалга ошганини асосан, бу тизим кўплаб мамлакатлар томонидан маъқулланганлигини ва ҳимоя қобилигининг усқуналари НАТОнинг гарбий чегараси бўлган Польшада ҳам ўрнатилишига келишилганини эъломиз. Маълумотларга кўра, Хиндистон бош вазири Путинга Хиндистон позицияси Москвадаги келишувга содиқ қолиш эканини изҳор этган.

ВИДЕОЁЗУВ ОШКОР ЭТАДИ

АҚШ Мудофаа вазирилик журналистларга Усама бин Лодиннинг АҚШдаги терактлардаги иштирокини исботловчи видеоёзув тасмасини тақдим этган. Бу тасма Жалолдорларнинг ўзларидан биридан топилган. Видеоёзув 9 ноябрь кунги тузилган. Бир соат мuddатга чўзилган бу ёзув шубҳасиз ташвиқот ёки жамоатчилик учун мўлжалланмаган, дейишмоқда мутахассислар. Ёзувда бин Лодин ўз яқинлари билан тушлик устиде кекса бир араб шайхи билан сўхбатлашмоқда. Шунингдек, у ерда унинг яқин ёрдамчиси Айман ал-Заваҳирий ва Абу-Ғайт ҳам бор. Бин Лодин атрофдагиларга АҚШда рўй берган терактлар борасида янгиликлар кутатгани ва террорнинг қачон, қандай амалга оширилгани тафсилотларини гапириб бермоқда. Бин Лодин қулганча, террорчиларнинг бошлиғи Муҳаммад Ата ҳақида эъломи: «Операцияда иштирок этган биродарларимиз ўзларини аянчи ўлим кутатганини билишарди, — дейди у тасмадаги ёзувда. — Биз ҳаммадан Америкага келишларини сўрадик, бироқ улар хали операция тафсилотини билишмасди. Тафсилотларини эса самолётга киришдан олдингина ошкор этдик».



АҚШ маъмурияти вакиллари ушбу видеоёзувлар Усама бин Лодиннинг 11 сентябрь кунги терактлардаги иштирокининг исботини беради демоқда.

ҲИМОЯЧИ ТОПИЛДИ

Ашаддий террорчи Карлоснинг адвокати ва қаллиги бўлган Изабель Кутан-Пейр АҚШдаги терактлардаги иштироки учун айбланётган Закарий Муссоийни адвокат сифатида ҳимоя қилишга тайёрлигини билдирган. Изабелнинг сўзларига кўра, буни террорчининг онаси сўраган. Ҳозирча террорчининг ўлим жазосига ҳужм қилишлари кўтилмоқда. Бироқ Изабель Кутан-Пейр жазо усули ўзгартиришга ишонди. Унинг фикрича, маҳбус усотирилган теракт учун тўлиқ жавобгарлиқни олиши мумкин эмас. Шунингдек, адвокат Франция фуқароси бўлган террорчининг ватанига қайтариш тараддудини кўрмоқда. Маълумки, Францияда ўлим жазоси бекор қилинган. Олдин Франция адлия вазири Марилуз Лебрэншо ҳам террорчига ўлим жазосини берилишига қарши эканлигини билдириб ўтган. Эшкрофтнинг фикрича эса Муссоийи терактнинг фаол иштирокчиси бўлган, «бошқалар каби америкаликларни ўлдирши учун қасамдў қабул қилган», жазони ҳам шу тариқа олиши лозим.



ҚАДРАИ ЮРТДОШЛАР!

Халқаро Шароф Рашидов номидаги жамғарма ахли кириб келатган кутлуг Рамазон ҳайити билан Ўзбекистон халқини чин қалбдан муборакбод этади. Ҳаммага сийхат-саломатлик, осойишталик, оилангизга тотувлик, меҳнатингизга зафарлар тилайди. Муқтаил Ўзбекистон Республикасидан шаддам қадамлар билан ривож топаверсин, дастурхонимиз тўкин, кайфиятимиз ҳарвақт хушқақча бўлсин! Утган азизларимизни Оллоҳ раҳмат қилсин, руҳлари шод бўлсин. Халқаро Шароф Рашидов жамғармаси Марказий Кенгаши ҳайъати

Абдулла Бозорбоев номига берилган имтиёз ҳақидаги А-№-225880 рақамли ҳужжат ва унга қўшимча 21592 рақамли варақа йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МИЛЛАТ ВА ЁШЛАР

бошқа зарур қўлланмалар билан таъминлаб келмоқда. — Келажакда орзуларимиз янада улкан, — давом этади директор, — 20 та синфномимизни тўлиқ компьютерлаштиришмоқчимиз. Фарзандларимизга инглиз, немис, француз, испан ва бошқа хорж тилларини ўргатиш режалаштирилган. Тил билган эл билар деганларидек энди жохон айвонида ўзлгимизни намойиш этадиган кунлар келди. ■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

БАТАН ЎҒЛОНЛАРИ ХИЗМАТДА

БЕДАҲЛ САРҲАДЛАР

руқни ўқитди. Мабодо «хавф» тугилса, «нишонга» руҳсат орқали ўт очиш лозимлигини таъкидлади. — Ўрток капитан! Буйруқни тушундик, — дейишди жойлардан аскарлар. Шу пайт «душман» шарпаси кўзга ташланди. — Биз «душман»ни чалғитамиз. Сизлар орқа ва ён томонлардан «хужумга!» Бу командирнинг овози эди. Кўз очиб юмгунча тоғли сарҳадларимизни бузмочки бўлган «душман» қармоққа тушиди, таслим бўлди. Режалаштирилган ўқув-машғулот кўнгилдагидек ўтди. — Балли, йигитлар! Ҳаётда ҳам шундай бўлади. Ватани-

— Бунга эришишнинг ўзи бўлмади, — дейди туман халқ таълим бўлими мудири Невмат Эшназаров. — Узоқ йиллик изланиш, муроб-

МАКТАБГА ЮНЕСКО РАҲНАМО

бийларимизнинг тинимсиз савй-харакатлари ўз самарасини берди. Қолаверса, таълим-тарбия, яратилган шартшориларнинг халқорю талабларга мослиги инобатта олингани боис, 16-мактаб ана шундай эътиборга лойик бўлиб турибди. — Қирқ йилдирки, шу ма-

ХДП ХАБАРИ

«МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАРҒИБОТЧИСИ»

мавуида 2001 йилнинг 13 декабрь кунин Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган «Сие-сат» ва «Истиқбол» ёшлар клубларининг қўшма йигилиши «Мулоқот» журнали ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов йигилишнинг очар экан, партия муассислигида чиқарилаётган «Мулоқот» журналининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида-

Невмат Ёқубов, Давлатмурод Сабдуллаев ва «Истиқбол» ёшлар клуби азоси Шухрат Ориф мушоирада қатнашдилар. Очиқ мулоқот тарзида ўтган бу йигилишда мазкур клублар аъзоларидан ташқари, шунингдек, партия ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар «Ёшлар» клубларининг раҳбарлари, бир гуруҳ талаба ва ишчи ёшлар, ХДП марказий матбуот нашрларининг журналистлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. ■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



ЁШЛИК ЗИЙНАТИ ҲУНАР БИЛАН

Ёшларни касбга йўналтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қомақда. Бу борада Қашқадарё вилоятида намунали ишлар йўлга қўйилган. Нишон туманидаги 17-касб-ҳунар ва Баҳористон туманидаги бизнес мактабларида ҳар йили 400 нафардан ошиқ ўқувчилар

хунармандчиликнинг ўнги яқин тури бўйича тахсил олишмоқда. Нишонлик ўқувчи қизлар тиккаётган турли хил кийим-кечкалар кўпчиликка манзур бўлаётган бўлса, гилам тўқишда баҳористонлик қизларнинг олди-га тушадиғанлар йўқ. Суратларда: (чапда) Нишон туманидаги 17-касб-ҳунар мактаби ишлаб чиқариш таълими устаси Улжон Журева

СПОРТ

ЖИЗЗАХДА ЧЕМПИОНАТ

Юртимизда нуфузли халқаро мусобақалар олдидан йигин ва биринчиликлар ташкил қилиниб, терма жамоаларга кучли спортчиларни саралаб олиш одат тусига кирган. Эртага Жиззах шаҳрида шундай саралашлардан бири — боко бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланади. 21 декабрга қадар давом этадиган мусобақаларда барча вазн тоифаларда жами 150 дан зиёд боксчилар «жанг» олиб боришади. Мазкур саралашда ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат чемпионини аниқлаш ҳамда келаси йилги Осиё ўйинлари ва навбатдаги жаҳон кубокларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган моҳир боксчиларни танлаб олиш кўзда тутилмоқда. — Бундай йигинларни ўтказишнинг ўзига хос томонлари бор, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббий Мансур Махмудов. — Унда катталар билан бир қаторда ёшларга ҳам эътибор қаратилиб, улар орасидан чемпионликка муносиб ворислар аниқланади. Шу ўринда жаҳоннинг кучли боксчисига айланган бир қанча чарм кўпоқ усталарининг ҳам айнан шундай чемпионатлари маълум бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Бу гапни биринчиликда келажакда жаҳон майдонларида юртимиз байрогини баланд кўтаришга даъвогар ёшлар «кашф» этилиши шубҳасиз.

ҚОРА ҚИЛМИШ

йил май ойи киришига қўшиб, ҳисоботга тақдим этади. Бу ҳам хамирдан қил сўгургандек гап-ла, битиди, гўё. Халқимизда «еб тўймаган, ялаб тўйма», деган нақл бор. Бу Муртазолар учун атайин айтилганга ўхшайди. Шундай бўлмаса у «фаолият»ни яна давом эттирармиди. Юлдузни бенарвон уришга жазм қилган бу очкўз тақдоран бюджет маблағига чанг солади. 2000 йилнинг сентябрь ойи ҳақи ҳисобланган 99765 сўмини ўзлаштириш йўли билан талон-торож

«МУЛЛАЖИРИН» ВАСВАСАСИ

ҳолига маймунлар йиғлашини англаб, 2000 йилнинг ноябрида ишдан бўшади. Шу билан найранглари ошкор бўлмас-рига тарқатилиши керак бўлган ойлик маош 74882 сўмини тап-тортмай чўнтагига урган хиёнаткор хазиначи жиноятини яшириш учун синалган усулни ишга солади. 1998 йил худди март ойидаги ойлиги, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолишига кўзи етганда-да. Аммо у ўйлаганча бўлмади. Шу йилнинг август ойида бўлимада ўтказилган тафтиш хазиначи Муртазо Юлдошевнинг қилмишлари бисёр эканлигини кўрсатди. Текин луқма ошиғи, пул бандаси ишлаган 1989-2000 йиллар давомида мансабини бир неча бор суистеъмол қилиб, сохта ҳисоботлар тузиб бўлимага 269464 сўм зарар етказган. Аниқроғи, ана шу пулни ўзлаштирган. Хўш, қандай қилиб? 1999 йилнинг март ойи. Бўлим ишчи-хизматчила-

«ЮЛДУЗНИ БЕНАРВОН УРИШ»ГА ЖАЗМ ҚИЛГАН ПЕШКУЛИК ХАЗИНАЧИ ИККИ БОРА СУДНИНГ ҚОРА КУРСИСИГА ЎТКАЗИЛДИ

лик тарқатилганлигини асословчи ҳисоботни 1999 йил март ойи ҳисоботига қўшиб қўяди: олам гулистон. Орадан бир ой ўтгач, тақдоран жиноятга қўл уради. 1999 йил май ойи иш ҳақиса — 94817 сўмини уйига ташийди. Бунинг устига «Пахтабанд»нинг туман бўлими бюджет маблағларидан фойдаланиш масаласини назорат қилишни унут-

«OSME-BEST»
— **OSIY** —
WEST

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ –

ИСРОИЛ

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон халқини ва барча мўмин мусулмонларни муборак Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити кириб келиши муносабати билан самимий табриклайди. Рамазон ойида тутган рўза ва ибодатларингизни Тангри таоло ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин. Юртимизда ҳамisha тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин. Инсонлар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат йўқолмасин. Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

СЕРЖИЛО ТАФАККУР

ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЦЗЕН ЦЗИ – КАДИМГИ ХИТОЙЛИК ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ VI – V АСРЛАРДА ЯШАГАН:

«Осмоннинг думалок, ернинг эса тўрт бурчакли эканлиги тўғрими?», – деган саволга Цзен Цзи жавоб берган: – «Агар осмон думалок, ер эса тўрт бурчакли бўлганида эди, унда, ернинг тўртта бурчаги ёпилмай қолган бўларди».

ЭПИХАРМ – КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 550 – 440 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

«Ҳеч нима ҳеч қачон мавжуд эмас, бироқ, вужудга келиш ҳамisha бор. – Худо нима? – Худо, бу – ақл. – Ақл нима? – Ақл, бу – тўғри фикр.»

«Худо ҳамма нарсага қодир. У одамларни назорат қилади. Ундан ҳеч нимани яшириб бўлмайди.»

«Модомики, сенинг руҳинг пок экан, демак, тананг ҳам бутунлай покизадир.»

«Зийрак бўл, ишонмасликка интил, зеҳнлилик ҳам мана шунда.»

«Аввал одамнинг кимлар билан дўстлигини бил, сўнг, у билан дўстлаш.»

«Умриндан кўп қолдими ёки оз – сенга барибир бўлсин.»

«Йўқ, сен гапингда қучли эмассан, балки, сукут сақлай олмаслигингда заифсан.»

«Худолар барча неъматларни бизга фақат меҳнатимиз учунгина берадилар.»

«Йўқ, қалб эмас, балки, ақл-идрок устун келмоғи лозим.»

«Йўқ, ҳеч ким асабийлашиб, тўғри қарорни қабул қила олмайди.»

«Дунёда беғуноҳ ва қурсиз бирон-бир киши йўқ.»

«Кимга-ки ҳавас қилмасалар, бундай киши ҳеч нимага эрзимайди.»

ПАРМЕНИД – КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 540 – 462 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

«Барча нарсаларнинг негизиди икки ибтидо – олов ва тупроқ этади.»

«Зиддият ҳақиқатга хос эмасдир.»

«На ўтмиш бор, на келажак, зеро, ўтмиш энди йўқ, келажак эса ҳали юз берган эмас.»

«Оламга маъносиз нигоҳ ташлама.»

«Маъносиз гапларга қулоқ солма.»

«Кўр-кўрона одатларни йўқ қил.»

«Билишда, қаердан бошламагин, бунинг фарқи йўқ, барибир, аввалги нуқтага қайтасан, зеро, ҳақиқат яхшилаб юмалоқланган.»

КЛЕОБУЛ – КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 538 – 470 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН. «ЭТИ ДОНИШМАНД»НИНГ БИРИ:

«Меъёр ҳамма нарсадан муҳимдир.»

«Ҳузур билан ҳукмронлик қил.»

«Беғоналар олдида хотининг билан суйқалишма ва жанжаллашма: биринчиси – аҳмоқлик, иккинчиси – қутурганлик белгисидир.»

«Хотинни ўзингга тенглардан ол, ўзингдан юқорилардан олсанг – унинг қариндошлари устингдан ҳўжайинлик қиладилар.»

«Бахтли онларда кеккайма, бахтсизликда – хўрланма.»

«Тақдирнинг бевафоликларига олижаноблик билан чидай олгин.»

«Нимани ёмон кўрсанг, уни бошқага раво кўрма.»

«Гапиришдан кўра, эшитишни кўпроқ эқтиргин.»

«Оқил одам ёлғонни ёмон кўради.»

«Ким ҳамма нарсда мўътадил бўлса, у ҳаётда бахт ва осойишталикка эга бўлади.»

«Билимни билимсизликдан кўпроқ яхши кўр.»

«Яхшиликка унинг ўзини кўр, ёмонликка эса – беғона.»

«Куч билан ҳеч нимани ҳал этма.»

ГЕРАКЛИТ – КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 535 – 475 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

«Битта дарёга икки бор кириш мумкин эмас.»

«Ҳамма нарса оқади, ҳамма нарса ўзгаради.»

«Ҳамма нарсаларнинг муштараклигини эътироф этиш менга эмас, синқовликнинг мантқиқига маъқулдир.»

«Инсоний фикрлаш тарзига ақллилик хос эмас, илоҳийликка эса – хос.»

«Одамлардан энг оқили, уни худолар билан доноликда, гузаликда ва ҳоказоларда таққослаганда, маймунига ўхшаб қолади.»

«Фикр – энг улугъ фазилатдир, оқиллик – ҳақиқатни гапиришда, табиатга қулоқ солиб, унга монанд хатти-ҳаракатларни амалга оширишда.»

«Ҳамма одамларга ўзини билиш ва фикрлаш хосдир.»

«Мен ўзимни тадқиқ этдим.»

«Эшита туриб, тушунмайдиганлар карга ўхшайдилар: «иштирок эта туриб, қатнашмайдилар», – деган ибора улар ҳақида гувоҳлик беради.»

«Инсонларнинг фикрлари – болаларнинг ўйини.»

«Энг синанган доно биландиган ва рия қиладиган нарсаси – фақат фикр-мулоҳазадир...»

«Кешининг фикр тарзи – унинг илоҳийети.»

««Худолар ва одамлар ўртасидан Низо йўқолсин...», – деганида, Гомер янглишган. Зеро, у бу билан ҳамма нарсалар йўқолсин, дея илтижо қилаётганини тушунмаган. Ихтилофсиз Уйғунлик туғилмас...»

«Одамларнинг хоҳиш-истаклари рўёбга чиқверса, бу – улар учун яхши эмас.»

«Ҳамма нарсаларни бизга олиб келувчилар – йиллар.»

«Ёмонлар кўп ва яхшилар оз.»

«Менга ёқадиган битта – мингта, агар у энг яхши бўлса.»

«Ҳазаб билан олишиш қийин: унинг истаги йўлида ҳаётингни қурбон қиласан.»

«Ҳузур-ҳаловат билан олишиш ҳазаб билан олишишдан ҳам қийинроқ.»

«Кўзлар, қулоқларга қараганда, аниқроқ гувоҳдирлар.»

«Яшаётганимизда – жонимиз ўлик бўлади, ўлаётганимизда – улар тирилла бошлайдилар.»

«Кўп билишлик – ақллилик дегани эмас.»

«Ақл билан гапирувчилар ўзаро ўринли (яъни, нафли) нарсаларда баҳамжиҳат бўлмоқлари лозим.»

«Ажралувчилар ҳамisha қўшилидилар.»

«Одамлар чинакам тўғри сўзни ҳамisha ҳам фаҳмлайвермайдилар.»

«Фалсафа билан шуғулланадиган одамлар кўп нарсалар ҳақида яхши хабардор бўлмоқлари керак.»

КРАТИЛ – КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 520-452 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

«Битта дарёга, Гераклит айтганидек, нафақат икки бор кириш мумкин эмас, балки, бунга бир мартаба ҳам қилиб бўлмайди. Бирон нарса ҳақида ҳеч бир фикр ҳосил қилиш мумкин эмас, зеро, бегўнхот кўнимсизлик туфайли, у, фикримизни баён этганимизга қадар, ўзгариб қолади.»

МЕЛИСС – КАДИМГИ ЮНОН ФАЙЛАСУФИ. МИЛОДДАН АВВАЛГИ 510-440 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

«Ҳеч нимадан ҳеч нарса вужудга келмайди.»

«Худолар тўғрисида таълим бериб бўлмайди, зеро, уларни билиш мумкин эмас.»

«Ибтидоси ва интихоси борлардан ҳеч бири на абадий, на чексиз.»

«Кўзларимиз – алдайдилар...»

Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

ТУФИН -
ҲАМИША ДАСТУРҲОНИМИЗ КЎРКИ

Энг катта турфа навлар.
Юксак сифат, мақбул нархлар.

Янги-йил совғалари
Байрамона тўпламлар

Т.: (998-71) 191-36-48, 191-23-30.
(Факс) (998-71) 191-05-52.
700076, Тошкент шаҳар,
Ҳамза тумани, Боқу кўчаси, 179 А

ARLOVIT

ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ
УЧУН ТАБИИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАСИ

NEW

ARLOVIT
— ҲАЁТ МАНБАИ!

БУНГА ҚУРБИНГИЗ ЭТАДИ

ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ҚУТИЛИНГ.
ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА
ИШОНЧНИ ХИС ЭТИНГ

БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК!

Ишлаб чиқарувчи —
«GRACE INTERNATIONAL LIMITED»
қўшма корхонаси

Телефон: (998-71) 199-56-43

«АГРОМАШСЕРВИС»
УЎШМАСИ
«ТРАКМАШАГРО»
ОАЖ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Қишлоқ ҳўжалик техникаси: А01-М, Т-28, МТЗ-80, СМД-14, 17, 18, 20, 22, ДТ-75, Т-180, Т-150, Т-170, ЮМЗ.

Юк автомобиллари: «КамАЗ», «МАЗ», «ЗИЛ-130», «ГАЗ-51», 52, 53, «ЯМЗ 236-238», «УАЗ-469» ва бошқалар сотилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-«а» уй.
(Мўъжа: Қишлоқ ҳўжалик техникаси базаси)

Тел.: (371)
191-81-52, 96-63-21.

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 11 декабрда Диев Турбаев номига берилган 9812220 рақамли малака ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Саодат» журнали ва «Гулчарлар» газетаси жамоаси журнал ходими Ойгул Суюндиқовага падари бузуқворли

БАРОТ отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

BS BURSEL GROUP
ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ВА БАРЧА
МЎМИН-МУСУЛМОНЛАРНИ ИЙД АЛ-ФИТР БАЙРАМИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг иқтисодий жиҳатдан янада бақувват бўлишини тилайди.
Мана шундай саодатли, фарахли ойда қилган барча ибодатларингизни, муқаддас Рамазон ойида тутган рўзаларингизни Оллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул айласин.

МУБОРАК ҲАЙИТ КУНЛАРИДА ЮРТИНГИЗГА
МАЪМУРЧИЛИК ВА РАВНАҚ ТИЛАЙМИЗ.

BS BURSEL GROUP
ЖАМОАСИ

Азизлар! Рамазон ҳайитингиз кутлуғ бўлсин, азиизлар!

Муборак Рамазон ойида кутгани ва табарриқ Рамазон ҳайити — Уйғул-Ғуфрнинг кутуб келиши мубоабати билан «Яши ният» Сузларни самимий табриклайди.



Ушбу қувончли кунларда Кочир Аллоҳдан барчангизга муस्ताқкам соғлиқ, бахт-саодат ва толе ёр бўлишини тилаймиз.

Рамазон ҳайитингиз кутлуғ бўлсин, азиизлар!

«ЯШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БҮЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 51-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Table with multiple columns containing lottery numbers and categories. Includes sections for 1 ТУР, 2 ТУР, 3 ТУР, 4 ТУР, 5 ТУР, 6 ТУР, 7 ТУР, 8 ТУР, 9 ТУР, 10 ТУР, 11 ТУР, 12 ТУР, 13 ТУР, 14 ТУР, 15 ТУР, 16 ТУР, 17 ТУР, 18 ТУР, 19 ТУР, 20 ТУР, 21 ТУР, 22 ТУР, 23 ТУР, 24 ТУР, 25 ТУР, 26 ТУР, 27 ТУР, 28 ТУР, 29 ТУР, 30 ТУР, 31 ТУР, 32 ТУР, 33 ТУР, 34 ТУР, 35 ТУР, 36 ТУР, 37 ТУР, 38 ТУР, 39 ТУР, 40 ТУР, 41 ТУР, 42 ТУР, 43 ТУР, 44 ТУР, 45 ТУР, 46 ТУР, 47 ТУР, 48 ТУР, 49 ТУР, 50 ТУР, 51 ТУР, 52 ТУР, 53 ТУР, 54 ТУР, 55 ТУР, 56 ТУР, 57 ТУР, 58 ТУР, 59 ТУР, 60 ТУР, 61 ТУР, 62 ТУР, 63 ТУР, 64 ТУР, 65 ТУР, 66 ТУР, 67 ТУР, 68 ТУР, 69 ТУР, 70 ТУР, 71 ТУР, 72 ТУР, 73 ТУР, 74 ТУР, 75 ТУР, 76 ТУР, 77 ТУР, 78 ТУР, 79 ТУР, 80 ТУР, 81 ТУР, 82 ТУР, 83 ТУР, 84 ТУР, 85 ТУР, 86 ТУР, 87 ТУР, 88 ТУР, 89 ТУР, 90 ТУР, 91 ТУР, 92 ТУР, 93 ТУР, 94 ТУР, 95 ТУР, 96 ТУР, 97 ТУР, 98 ТУР, 99 ТУР, 100 ТУР.

«ЯШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БҮЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 51-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ КИСКА ЖАДВАЛИ

Чипталар жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиққан рақамлар бўйича текширилади. Аниқ шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлигини уш қутқасиз айлантирилади. Аниқ халтадан чиққан рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча тўртта ютуқни ҳисоблайди. Сўнгра чипта сониқининг 1, 2, 3, 4 ва 5 тўртлада тўғри келиши текширилади, 6 тўртлада чипта мазкур тўртта ютуқни қўшимча текширилади.

Summary table of lottery results with columns for category, number of winners, and amount. Includes categories like 1 ТУР, 2 ТУР, 3 ТУР, 4 ТУР, 5 ТУР, 6 ТУР, 7 ТУР, 8 ТУР, 9 ТУР, 10 ТУР, 11 ТУР, 12 ТУР, 13 ТУР, 14 ТУР, 15 ТУР, 16 ТУР, 17 ТУР, 18 ТУР, 19 ТУР, 20 ТУР, 21 ТУР, 22 ТУР, 23 ТУР, 24 ТУР, 25 ТУР, 26 ТУР, 27 ТУР, 28 ТУР, 29 ТУР, 30 ТУР, 31 ТУР, 32 ТУР, 33 ТУР, 34 ТУР, 35 ТУР, 36 ТУР, 37 ТУР, 38 ТУР, 39 ТУР, 40 ТУР, 41 ТУР, 42 ТУР, 43 ТУР, 44 ТУР, 45 ТУР, 46 ТУР, 47 ТУР, 48 ТУР, 49 ТУР, 50 ТУР, 51 ТУР, 52 ТУР, 53 ТУР, 54 ТУР, 55 ТУР, 56 ТУР, 57 ТУР, 58 ТУР, 59 ТУР, 60 ТУР, 61 ТУР, 62 ТУР, 63 ТУР, 64 ТУР, 65 ТУР, 66 ТУР, 67 ТУР, 68 ТУР, 69 ТУР, 70 ТУР, 71 ТУР, 72 ТУР, 73 ТУР, 74 ТУР, 75 ТУР, 76 ТУР, 77 ТУР, 78 ТУР, 79 ТУР, 80 ТУР, 81 ТУР, 82 ТУР, 83 ТУР, 84 ТУР, 85 ТУР, 86 ТУР, 87 ТУР, 88 ТУР, 89 ТУР, 90 ТУР, 91 ТУР, 92 ТУР, 93 ТУР, 94 ТУР, 95 ТУР, 96 ТУР, 97 ТУР, 98 ТУР, 99 ТУР, 100 ТУР.

BOSH MUHARRIR Azim SUYUN TAHRIR HAY'ATI Abdulla ORIPOV Abdulhafiz JALOLOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistoni») Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib) Rahima HAKIMOVA To'lepbegon QAIPIBERGENOV Farmon OMONOV Mahkamboy O'MAR ogli

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

BOLIMLAR: Siyosat va huquq — 133-44-55 Iqtisodiyot — 133-76-20 Na'naviyat — 133-20-70 Xalq va ammiy ishlar — 133-12-56, 133-47-80 Axborot — 136-55-16 Kibernetika va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-47-80, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-16-16 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-12 Samarqanda — 35-20-54 Toshkentda — 33-50-16 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 G'arshida — 4-61-35 Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchesi Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Gazeta «O'zbekiston ovozining kompyuter markazida terildi va sahifalandi.» Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Ommatiasida 00004-raqam bilan nashrga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 3102 Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA

